

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 13-ҳадис

* أَتَانِي آتٍ مِنْ رَبِّي فَأُخْبِرُنِي: أَنَّهُ مَنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ، قَالَ: فَقُلْتُ
وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ، قَالَ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ. (رواه مسلم والترمذي والنسائي)

Раббимдан бир келувчи келиб, умматимдан ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга киришининг хабарини берди. Мен: «Агар зино қилиб, ўғрилиқ содир этса ҳам-а?» десам, у: «Ҳа, агар зино қилиб, ўғрилиқ содир этса ҳам», деди. *Муслим, Термизий ва Насоий ривояти.*

Изоҳ: Ушбу ҳадисдан Аллоҳга ширк келтирмасдан, зино ва ўғрилиқ қилса бўлаверар экан-да, деган хулоса чиқармаслик даркор. Бу ерда Аллоҳга ҳеч ким ва ҳеч нарсани шерик қилмаслик нақадар муҳим эканини билдириш учун шундай дейилмоқда.

Манба: hadis.islom.uz

